

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР

Махсус сон

ISSN 2181-7286

**Таълим тизимида
ижтимоий-гуманитар
фанлар**

Махсус сон

ISSN 2181-7286

Тошкент – 2019

Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал 2002 йилдан бошлаб чиқа бошлаган, йилига 4 марта чоп этилади

Таъсисчи:

И.КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Бош муҳаррир

и.ф.д., проф. А.Қодиров

Бош муҳаррир ўринбосари

доц. А.Мирзаев

Масъул котиб

доц.М.И.Саидкаримова

Жамоатчилик кенгаши:

Проф. С. М. Турабджанов (ранс), проф. О.О.Зарипов, проф. Т.М.Ахмедов, проф. Н.Ф.Зириллаев, д.т.н. Нематов Ш.

Тахрир хайъати:

Проф. Х.П.Абулқосимов, проф. М.Л.Турсунходжаев, проф. А.А.Хошимов, проф. Т.М.Ахмедов, проф. Б.А.Хасанова, проф. А.И.Архипов, проф. И.Эргашев, проф. С. Отамуродов., проф. Н.Жўраев, проф. Р.Самаров, проф. М.Мирқосимова, проф. Б.С.Сиддиков, проф. У.Махкамов, проф. Ғ.Б.Шоумаров, проф. М.Бекмуродов, проф. З.Қодирова, с.ф.д., проф. Пахрутдинов Ш.И.

Тахририят манзили:

100095, Тошкент – 95, Университет кўчаси,
2. тел:246-53-16, www.tdtu.uz E-mail: ijtimoiy-fanlar@rambler.ru

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома.

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика ва психология бўлими 2019 йил 25 июндан киритилган

Журналда маълумотлар босилганда далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда чоп этилган маълумот ва келтирилган далилларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.

МУНДАРИЖА

ТАРИХ

Мирзаев А.А. Тошкент давлат техника университети 30 ноябрда 90 ёшга тўлди университети тарихидан лавҳалар.	6
Қурбонова Н.Н. Фарғона вилоятида ер-сув муносабатларининг мустамлакачилик манфаатларига бўйсиндирилиши.	12

ИҚТИСОД

Амбарцумян А.А., Нурматов Б.Э. Минтакаларнинг инновацион ривожланишида демарказлаштириш ва солиқ-бюджет сиёсатининг аҳамияти	17
Джураев Х. Бозор муносабатлари шароитида фондларни донравий ҳаракати.	24
Исхоков А.К. Бозор шароитида инвестиция ва асосий маблағлардан самарали фойдаланиш.	28
Қодиров А., Муфтайдинов Қ. Даромаднинг ўсишида давлатнинг ижтимоий сиёсати.	33
Саидова М.Ж., Олимова Н.О. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари.	39
Рахматов А.И. Туризм соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг муҳим жиҳатлари	43
Саримсақов А.М. Шаҳарда йўловчи ташиш транспортини логистик такомиллаштириш йўллари.	48
Хашимова С.Н., Якубова Д.М. Ўзбекистон қайта ишлаш саноатининг инновацион ривожлантириш.	52
Халматжанов Ф., Фудженю. Хитойнинг инновацион тараққиёти босқичлари ва фан соҳасидаги институционал ўзгаришлар.	57
Очилов А.О. Бакалавр ва магистрларни ишга қабул қилиш менежменти.	64
Айсачев А. Мулк тушунчаси масаласида олимлар, файласуфлар, иқтисодчиларнинг баъзи фикрлари.	69
Мадрахимов У.А. Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсиш.	74
Рахматова Н. Миллий иқтисодиёт таркибини диверсификациялашнинг жаҳон тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.	78
Муминов Н.Г., Каримов А.А. Демарказлаштириш инновацион ривожланишнинг ҳудудий жиҳатларини тартибга солишнинг асосий тамойили сифатида.	86
Абулқосимов Ҳ.П., Мелибоева Г.О. Ўзбекистон республикасида институционал ислохотлар ва давлат бошқарувини номарказлаштириш йўналишлари.	93
Тайляқова Ф.С. Оилавий тадбиркорлик оила мустаҳкамлигининг асоси.	102
Юлчиев Э.Ю. Аграр соҳада аҳолини ижтимоий кооперациялашувининг зарурияти ва истиқболлари.	108
Олимова Н., Саидова М. Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш омиллари ва инсон капиталини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.	111
Рахмонов К.К. Ташқи иқтисодий ҳавфсизликни таъминлашда божхона тўловларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.	115
Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда экологик вазият ва унинг ҳавфсизлигини таъминлаш йўллари.	121
Тешабоева З.Т., Турғунов Б. Инновацион фаолликни оширишда меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш масалалари.	129
Umuzqarova Z.S. Sanoatda ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish diversifikatsiyalashning o'rni .	134
Умаров Ф.У. Миллий статистикани халқаро статистикага интеграциялашув.	138
Болтаев Р. Глобаллашув шароитида ахборот соҳасидаги таҳдидлар ва уларга қарши кураш усуллари.	145
Саманов А.А. Нападки и методы борьбы против них в условиях информационной глобализации.	150
Эгамбердиев Ф.Т., Муминов Б.Н. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўналишлари.	155
Соатов Ф.И. Корпоратив бошқарув тизимида инвестицион фаолиятни ривожлантириш йўллари.	161
Сидиков А.Ж. Ўзбекистон ташқи савдо балансининг ўзгариши таҳлили ва ташқи мувозанатни таъмин этиш муаммосининг айрим жиҳатлари.	167
Юсупов Р.А., Бегматова Ш.А. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг хориж тажрибаси имкониятлари.	175

МУНДАРИЖА

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ	
Назаров М. Шахс маънавий тарбиясида оила ва маҳалланинг ўрни.	183
Умарова Н.З., Бабаева Л.Л., Исянова И.А. Миллий кадриятлар ва тарбиянинг устиворликлари.	186
Ташпулатов Р.Х. Чизма геометрия фанини ўқитишда талабаларнинг мустақил таълим олиш фаолиятини такомиллаштириш.	192
Арипова З.С. Турон моддий ва маънавий маданияти – аждодларимизнинг бунёдкорлик ва яратувчанлик фаолиятининг ёдгорлигидир.	196
Назаров М., Эргашев О. Сунъий интеллектни моделлаштиришнинг усуллари.	202
Сатвалдиев А.А. Бошқарув тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар хотин-қизларнинг шахсий ва ижтимоий психологик сифатлари.	206
Тўланов М. Глобаллашув ва ёшлар маънавияти.	210
Абдуллаев У.С. Фарғона водийси аҳолисига оид этнографик маълумотларнинг тарбиявий моҳияти.	215
Эргашев О. Маънавият ва маърифат масъулияти.	221
Негматова Ш.Ш., Ибрагимова М.М. Диннинг глобаллашуви ва унинг ёшлар тарбиясига таъсири.	225
Ийманова Д.А. Ўзбекистонда миллий раҳбар кадрларга бўлган совет сиёсатининг педагогик тарбиявий моҳияти.	229
Илмурадова Д. O'qituvchilar malakasini oshirish tizimida ijodiy tafakkurni rivojlanishida ta'lim texnologiyalarining ahamiyati.	234
Махкамов У.И., Махкамова Н.У. «КЛАСТЕР» - эркин фикрлашнинг асосий методи.	238
Негматова Ш.Ш., Тураев А.Р. Интеллектуал маданиятнинг ижтимоий тараққиётга таъсири.	243
Шержанова Д.С., Шержанова К.С. Педагогик технология асосида мультимедиа алоқа тармоқлари учун тақдим этиладиган хизматлар.	247
Усмонова З. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари - олий демократик кадрият тушунчасини талабалар онгига сингдиришнинг услублари.	252
Мухторова Т. Гендер тенгликни таъминлашдаги сиёсий устиворлик.	257
Худанова Ш.Н. Таржиманинг тил ва маданият билан боғлиқлиги: лексика ва фразеологизм.	261
Юлдашева Р.Э. Ўрта аср мутафаккирларининг ахлоқий қарашларини мазмуни ва жамиятдаги ахлоқий ўзгаришларга педагогик ёндошув.	266
ФАЛСАФА	
Ғоффоров З.З. Христианлик динида “гуноҳ” тушунчаси моҳияти.	271
СИЁСАТШУНОСЛИК	
Хожагелдиев А. Сиёсий институтларни бошқаришда демократизм ва конституционализм тамойиллари	276

УДК: 396.11:364.27

**БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН РАХБАР
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ШАХСИЙ ВА ИЖТИМОЙ
ПСИХОЛОГИК СИФАТЛАРИ**

**ЛИЧНОСТНЫЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
КАЧЕСТВА ЖЕНЩИН, ЗАНИМАЮЩИХСЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ**

**P AND SOCIO-PSYCHOLOGICAL PROPERTIES OF THE WOMEN
WHO ARE BEING ACTIVE ON THE FIELD OF DISCRETION AND
MANAGEMENT**

Сатвалдиев А.А. (АндМИ катта ўқитувчи)

Ушбу мақолада хотин-қизларнинг иқтисодийнинг реал секторидagi иштироки, уларнинг хизмат лавозимларида эгаллашга бўлган иштиёқи ҳақидаги социологик сўровлар натижаларинг таҳлиллари келтирилган.

***Калитли сўзлар:** миллий иқтисодий, меҳнат қилиш ҳуқуқлари, педагогика, ижтимоий фикр, жамоатчилик, социологик сўров, тадбиркорлик.*

В статье рассмотрено участие женщин и девушек в реальном секторе экономики, приведен анализ результатов социального опроса о стремлении к продвижению по служебной лестнице.

***Ключевые слова:** национальная экономика, право на работу, педагогика, социальное мнение, общественность, социальный опрос, предпринимательство.*

The article presents the participation of women and girls in the real sector of the economy and analysis of the results of a social survey on the desire to promote them in official positions.

***Keywords:** national economy, rights to work, pedagogy, social opinion, public, social survey, entrepreneurship.*

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида хотин-қизлар бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хотин-қизларнинг 45 фоизидан зиёди бугун миллий иқтисодийнинг турли тармоқларида фаолият юритиб келмоқдалар. Уларнинг ишлаш, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари қонунларимиз орқали кафолатлангандир. Иқтисодийнинг реал секторидa фаолият юритаётган

мутахассис кадрлар, илмий ходимларнинг 38 фоизини ҳам хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг орасида академиклар, фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари, катта ва етакчи илмий ходимлар сони ҳам йилдан йилда ортиб бормоқда. Раҳбарлар орасида илмий ва маориф соҳаларида етакчилик қилаётганлар миқдори ҳам ортиб бормоқдаки, бугун кунга келиб олий ўқув юртларида 20 дан зиёд проректорлари, 34 нафар деканлар, салкам 400 яқин кафедра мудирлари аёллардир.

Раҳбар кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртларининг улуши сезиларлидир, шу боис ҳам қизларни олий маълумотли қилиб тарбиялаш, уларни бакалаврият ҳамда магистратура босқичидан кейин ҳам илмий изланишлар олиб боришга йўналтириш ўз самарасини бермоқда. Агар педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг 65 фоизи қизларни ташкил этса, бу рақам бошқа ижтимоий ихтисосликлар олий ўқув юртларида 56 фоизни ташкил этади. Бу рақамлар уларнинг келгусида турли соҳаларда ўзларини етакчи ва раҳбар қилиб намоён этишлари учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонлик хотин-қизларнинг иқтисодиётнинг реал секторидаги иштироки ва уларнинг хизмат лавозимларида кўтарилишларига нисбатан муносабатларини ўрганиш учун 2000 йилларнинг бошида Республика “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан социологик сўровнома ўтказилган. Унда 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар иштирок этишган. Биз маълумотлар орасида хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти ҳамда раҳбарликка, хизмат лавозимларига, ўсишига муносабатларига алоқадор рақамларни алоҳида ўрганилди. Маълум бўлишича, иштирокчиларнинг 45,4 фоизи хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганлар. Ушбу фаолият турини ўзларига маъқул деганларнинг ҳаммаси ҳам келажакда раҳбар бўлишни истамайди, яъни, хизмат пиллапоясида ўсишга нисбатан ижобий муносабат фақат ўша аёлларнинг 47,9 фоизи жавобларида қайд этилган. Айниқса, бу борада шаҳарлик ва қишлоқ аёллари фикрларида бироз ўзига хослик бор: шаҳарликларнинг 52,1 фоизи ва қишлоқ аёлларининг 44,2 фоизигина тадбиркор бўлган билан юксак лавозимларда кейинчалик ишлашни ўйламайдилар. Бу ўринда репондент хотин-қизларнинг ёш хусусиятлари ҳам муайян даражада роль ўйнадимикан, деган саволга шундай жавоб олиндики, масалан, 20-24 ёшлар оралиғидаги хотин-қизларнинг салкам 58 фоизи раҳбарликни тасаввур қилса, 24-29 ёшлиларнинг фикри ҳам деярли уларга яқин—59,7%, лекин ҳали турмушга чиқмаган хотин-қизларнинг 61 фоизи келажакда мансабга чиқишни орзу қилади. Демак, ҳали оила ташвишлари бошида тушмаган қизларда раҳбарликка интилиш, оилаларникига нисбатан кучлироқ намоён бўлади.

Профессional мақомининг ўсишини хоҳлаган хотин-қизларнинг маълумоти даражасига эътибор берсак, бевосита тадбиркорликни бошлаган хотин-қизларнинг 60 фоизи, соғлиқни сақлаш соҳасидагиларнинг 66 фоизи ва ҳозирда ўрта бўғинда у ёки бу раҳбарлик ишларида машғулларнинг 70,6

фоизи карьерага интилади. Лекин ушбу танловдагиларнинг 41,9 фоизи хизмат лавозимида кўтарилишга тўсиқлик қилувчи омиллар мавжудлигини эътироф этганлар. Биз ушбу ҳолатларнинг хотин-қизлардаги иқтисодий мустақилликка интилишлари билан боғлиқмикан, деган масала билан боғлаганимизда, сўровда қатнашган хотин-қизларнинг 68,2 фоизи замонавий аёл иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши керак, деган фикрни маъқуллайди. Фақат 24,4 фоизгина хотин-қизлар бундай мустақилликни шарт эмас, деб ҳисоблайди, 7,4 фоизи эса бу борада ҳеч қандай фикрга эга эмас. Бу масалада ҳам шаҳарлик хотин-қизлар қишлоқ аёлларидан биров янгича фикрга эга, яъни, респондентларнинг шаҳарда яшайдиганлари (71,6%) қишлоқда яшайдиган дугоналарига нисбатан (65,1%) хотин-қизлар учун иқтисодий мустақиллик шарт, деб ўйлайдилар. Лекин аслида ҳаётда бундай эмаслигини эътироф этганлар, чунки сўралганларнинг 39,2 фоизигина айни пайтда ўзларини иқтисодий жиҳатдан мустақил, деб баҳолаганлар, 53,7 фоизи эса бунинг аксини эътироф этган, 7,1 фоизнинг ушбу масалада ўз қараши йўқ.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилган ҳолда айни пайтда бевосита хотин-қизлар ҳаракатига фаол киришган, ўз хизмат лавозимлари нуқтаи назаридан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги нуфузларини оширишга мутасадди бўлган хотин-қизлар кўмиталари раислари, бир вақтнинг ўзида ўз туман ва шаҳарларида ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимида ишлаётган раҳбар аёллар ўртасида психологик текширув ўтказилди. Бунда асосий эътиборни айни дамда лавозимда ўтиришига ижтимоий психологик омил сифатида хизмат қилган шахс хусусиятларининг нечоғли намоён бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Дастлабки текширувда 48 нафар синалувчи хотин-қизлар иштирок этди. Уларнинг ёшлари 35 дан 60 гачабўлиб, ўртача ёшлари 45-50 ни ташкил этди. Уларнинг маълумоти таҳлил этилганда, аксариятининг маълумоти ижтимоий-гуманитар, аниқроғи педагогик эканлиги аён бўлди.

“Ҳозирги хизмат мавқеингизнинг мўътадил бўлишига ишончингиз борми?” деб берган саволимизга респондентларнинг 30 фоизигина бундан ишонч борлигини таъкидлашди. 28,4 фоиз респондентларлар шу мавқени ушлаб қолишга интилаётганликларини, бошқаришга ўтиш истаги йўқлигини эътироф этдилар. Демак, респондент аёлларнинг кўпчилиги айни пайтдаги мавқеларидан мамнун ва уни сақлаш ва бундан ҳам юқори лавозимларга чиқиш истагидалар. Ижтимоий психологик сўровномадаги “Янги, нотаниш, кутилмаган вазиятларни бошдан кечиришга муносабатингиз?” деб берган саволга респондентларнинг ҳар учтасидан биттаси бундай вазиятларни ёқтирмасликларини, умумэътироф этилган нормалар ва ўхшаш вазиятларни ёқтиришларини қайд этдилар. Бу бизнинг фикримизча, бизнинг шароитимизга хос, ўзбекчилигимизга хос хусусиятлардан келиб чиқади.

Ижтимоий психологик сўров мобайнида биз албатта респондентларнинг дунёқарашларига алоҳида эътибор қаратдик. Маълум бўлдики, сўровномада

катнашган раҳбар хотин-қизларнинг аксарияти истиқболда ўз билим ва савияларини янада орттириш, ўзлари фаолият кўрсатаётган соҳада билимдонликларини оширишни истайдилар: бундай позициядагилар респондентларнинг 75 фоизини ташкил этди. Бу омил уларнинг келгусида муваффақиятли ишлашларида ва шу билан биргаликда яқка-психологик жиҳатдан шахс сифатида ҳам ўсишларига туртки бўлишини ҳам улар яхши англайдилар. Шу маънода респондентларнинг 70 фоизи ўзларига нисбатан баҳолари адекват эканлигини, ўз устида ишламагунча кўпчилик эътирофига эришиш мушкуллигини биладилар. Бу маълумотлар уларнинг ижтимоий жиҳатдан билимдонликлари яхши эканлигидан, ходимлар билан ишлаганда ҳам психологик жиҳатдан пишиқ раҳбарлар бўлишлари учун замин эканлигидан дарак беради. Чунки ўзига нисбатан баҳо адекват бўлгандагина раҳбар фаолияти самарали бўлишига ишониш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, “Раҳбарлик фаолиятингизга профессионал маҳоратингизни ошириб боришингизнинг таъсири борми?” деб берилган саволга респондентларнинг 78 фоизи ижобий жавоб бердилар. Профессионал маҳоратли шахсгина уларнинг фикрича, раҳбарликнинг нозик ва мураккаб жиҳатларини ҳам эгаллай олади ва ўз ишини самарали уддалайди. Тадқиқотимиз мақсади нуқтаи назаридан бизга методиканинг Е омили, яъни, “бўйсунувчанлик-доминантлик” сифатларининг респондентларимизда қай даражада намоён бўлганлиги кизиқтирди.

Хулоса қилиб айтганда раҳбар хотин-қизларнинг 36 фоизи ўзларини мутлоқ мустақил, керак бўлса, ҳар қандай шароитда ўзларини устун – доминант тутиш орқали, ўзлигини, ўзининг ким эканлигини намоён қилишга тайёр экан. Фақатгина 8 фоиз жавобларда ўзларидаги тобеликни тан олиш ҳолатлари мавжуд, чунки улар биринчи навбатда хато қилиб қўйишдан кўрқишади. Респондентларнинг қолган тенг ярми барча раҳбарларга хос бўлган эҳтиёткорлик, зийраклик, шошмасдан, ўйлаб мулоҳаза юритиш, жиддийлик, атрофга эътиборлилик каби сифатларни ўзларида мавжудлигини тан олганлар. Демак, замонавий аёл раҳбарлар ҳам эркакларга хос, деб эътироф этилган сифатларнинг ўзларида мавжудлигини билишади ва ушбу сифатлар инсонлар билан ишлаганда маъқул эканлигини тўла англайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.-491 б.
2. Базаров Т.Ю. Управление персоналом: Учебник для вузов / Под ред. Т. Базарова, Б. Еремина.- М.: ЮНИТИ, 2002
3. Белинская Е.П., Тихомандрицкая О.Ю. Социальная психология личности.- М.: Аспект Пресс, 2001

4. Боймуродов Н. Раҳбар психологияси: Олий таълим, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаларининг маъмурий ходимлари учун қўлланма – Т.: «Янги аср авлоди», 2005.–152 б.

5. Каримова В.М., Ҳайитов О.Э., Умарова Н.Ш. Бошқарув соҳасидаги компетенция асослари. Монография. / Проф. В. Каримова таҳрири остида. – Т.: ТДИУ “Талаба”, 2007